

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ МАҚСУДЖОН ГЕЛДИЁРОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИНИНГ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ**

11.00.01 – Табиий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Назаров Мақсуджон Гелдиёрович

Қашқадарё хавзасининг антропоген ландшафтлари ва уларнинг
геоэкологик ҳолати..... 3

Назаров Мақсуджан Гелдиярович

Антропогенные ландшафты Кашкадарьинского бассейна и их
геоэкологическое состояние..... 21

Nazarov Maqsudjon Geldiyorovich

Anthropological landscapes and their geoeological condition of the
Kashkadarya basin..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ МАҚСУДЖОН ГЕЛДИЁРОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИНИНГ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ**

11.00.01 – Табиий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Gr91 - рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдулқосимов Али**
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Уразбаев Абдукарим Кендербаевич**
география фанлари доктори
Боймирзаев Каримжон Мирзамахмудович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 19 август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 47 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 08 куни тарқатилди.
(2020 йил «5» 08 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



С.Б.Аббасов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Б.А.Мелиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича PhD

А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д.(DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича глобал экологик муаммолар авж олмоқда, унинг жадал ривожланиб бориши аҳоли сонининг узлуксиз кўпайиши ва шунга боғлиқ ҳолда ландшафтларга антропоген таъсирнинг ошиб бориши билан боғлиқ бўлган геотизимларнинг барқарор ривожланиши ва ўзгаришини аниқлаш, геотизимларнинг инсон таъсирида ўзгариши натижасида янги антропоген модификацияланган ландшафтларни вужудга келиш сабаб оқибатларини аниқлаш, шунингдек, уларда вужудга келган экологик вазиятларни баҳолаш ва оптималлаштириш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Шу боис БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш дастурининг 15-мақсади айнан “...экологик вазиятни яхшилаш”га тегишли вазифаларини ечишга қаратилган¹.

Жаҳон аҳолисининг 1/5 қисми истиқомат қилаётган чўл ҳудудлари ҳозирда жами табиий ресурсларнинг 1/3, жаҳон ялпи маҳсулотининг 1/10, чорвачилик маҳсулотининг 1/3, туристик ресурсларнинг 1/4 қисмини етказиб бермоқда. Улардан, аксарият ҳолларда, умумэътироф этилган меъёрларга риоя этмасдан фойдаланиш геотизимларнинг кескин ўзгаришига ва уларнинг ресурсларининг камайишига олиб келмоқда. Табиий ландшафтлар ва уларнинг компонентларини макон ва замонда антропоген таъсир натижасида ўзгариш динамикасини ўрганиш, антропоген ландшафтларнинг янги турлари ва шакллари вужудга келиши шарт-шароитларини аниқлаш, уларнинг ўзгариш ва ривожланиш тенденцияларини белгилаш, антропоген геотизимларда вужудга келган турли геоэкологик вазиятларни баҳолаш, атроф-табиий муҳит ҳолатини аниқлаш, районлаштириш, карталаштириш, шу билан бир қаторда геоэкологик вазиятларнинг инсон саломатлигига ва ландшафтларнинг бошқа компонентларига бўладиган таъсирини тадқиқ этиш, вужудга келган геоэкологик вазиятларни оптималлаштиришга доир илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга доир илмий тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан илмий асосда оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш, геотизимларнинг антропоген таъсирлар натижасида ўзгаришини аниқлаш, суғориладиган ерларнинг экомелиоратив ҳолатини яхшилаш, одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш”² юзасидан муҳим

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. uz.undp.org/content/uzbekistan/ru.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифалар белгилаб берилган. Шу туфайли, мураккаб геоэкологик вазиятлар вужудга келган Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтларини геоэкологик жиҳатдан тадқиқ этиш орқали геоэкологик ҳолатни оптималлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 августда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги тадқиқотлар бўйича устувор йўналишларга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳавзанинг табиий ландшафтларини ўрганиш, таснифлаш ва карталарини тузиш Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, О.Ю.Пославская, С.А.Нишонов, М.Ф.Расулов, И.А.Ҳасанов, Л.Алибеков, А.Маматов, П.Баратов, Р.Усмонова ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида амалга оширилган. Антропоген ландшафтшуносликнинг умумий назарий асослари ҳамда турли жиҳатлари Ю.Г.Саушкин, Д.В.Богданов, В.С.Жекулин, В.И.Прокаев, А.Г.Исаченко, Ф.Н.Мильков, А.А.Абдулқосимов, Л.М.Граве, Л.И.Куракова, В.П.Федотов, К.А.Дроздов, Ш.С.Зокиров, С.И.Абдуллаев, Б.Ч.Муртазаев, М.Г.Назаров каби олимлар тамонидан ўрганилган. Антропоген ландшафтларнинг худудий хусусиятлари, улардаги экологик вазиятларни баҳолаш ва оптималлаштириш масалалари билан А.А.Рафиқов, А.Н.Ходжиматов, А.Н.Нигматов, Н.И.Сабитова, А.К.Уразбаев, А.Рахматуллаев, С.И.Абдуллаев, С.Г.Покровский, С.В.Ясинский, Л.И.Егоренков, Б.И.Кочуров, С.Б.Аббасов, Ю.И.Ахмадалиев, Ш.М.Шарипов, Е. Lioubimtseva, G.M.Henebry, И.Жанкобилов, М.Г.Назаров, Қ.С.Ярашев, Р.Кулматов, А.Расулов, Д.Кулматова, Б.Розилходжаев, M.Groll ва бошқаларни тадқиқотларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Уларнинг ишларида худудларнинг антропоген модификацияланиши, антропоген ландшафтлар таснифлашига доир олинган илмий натижалар Қашқадарё ҳавзаси миқёсида қўлланилиши масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасининг ИОТ-2014-5-36-рақамли «Қашқадарё вилоятининг экологик,

атроф-муҳит муҳофазаси ва ичимлик сувлар сифати бўйича яратилган карталарини амалиётга жорий этиш» (2014-2015 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтларини таснифлаш ва геоэкологик ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ландшафтларнинг антропоген модификацияланишининг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш;

антропоген ландшафтларнинг таксономик бирликлар қаторини тизимли таҳлил қилиш орқали Қашқадарё ҳавзаси учун хос бўлган таснифлаш қаторини ишлаб чиқиш;

Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтларини комплекс тавсифлаш ва уларни турли мавзули карталарини яратиш;

ҳавзадаги геоэкологик ҳолатини аниқлаш, баҳолаш ҳамда яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ҳавза ландшафтларининг антропоген трансформацияланиши ва унинг тизимли хусусиятлари, геоэкологик жиҳатлари ҳамда ландшафтлардаги экологик вазиятни оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда дала-тадқиқот, таянч-экспериментал тадқиқот, аэрокосмик, картографик, палеогеографик, географик-таққослаш, тарихий-генетик, статистик, геоэкологик, ландшафт-геокимёвий ва ГИС усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ландшафтларнинг макон ва замонда антропоген трансформацияланиши (ўзгариши) ва янги модификацияларни вужудга келишини аниқлашнинг ландшафт-тизимли методи масофавий зондлаш маълумотларини дешифровкалаш ёрдамида такомиллаштирилган;

Қашқадарё ҳавзаси учун хос бўлган антропоген ландшафтларни таснифлашнинг таксономик бирликлар қатори ишлаб чиқилган;

Қашқадарё ҳавзасининг 1:1000000 масштаби ландшафт ҳамда Қашқадарё ҳавзаси ва унга туташ ҳудудларнинг 1:200000 масштаби геоэкологик ҳолатини баҳоловчи карталар яратилган;

мажмуали ва тизимли таҳлил асосида ҳавзадаги вужудга келган геоэкологик вазиятлар баҳоланган ҳамда уларнинг геоэкологик ҳолатларини яхшилашга доир ифлословчи манбалар таъсирини камайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антропоген ландшафт, антропоген ландшафт синфи, қатори тушунчаларининг илмий мазмуни ва моҳияти очиб берилган;

Қашқадарё ҳавзаси учун хос бўлган антропоген ландшафтларни таснифлаш қатори ишлаб чиқилган;

худуднинг геоэкологик ҳолатидаги ўзгаришлар тенденциясини баҳолаш имконини берадиган ландшафт ва геоэкологик (1:200000 масштаб) карталар яратилган;

ҳавзада вужудга келган геоэкологик вазиятларни яхшилаш бўйича чоратadbирлар, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида Гидрометеорология хизмати маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ва вилоят статистика бошқармасининг маълумотларидан фойдаланганлиги, дала ва камерал тадқиқотларнинг олиб борилганлиги, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти антропоген ландшафтларни янги модификацияларни вужудга келишини аниқлашнинг ландшафт-тизимли методини ва антропоген ландшафтларни таснифлаш қаторини такомиллаштириш орқали худуд учун хос бўлган антропоген ландшафтларни тадқиқ этиш учун таснифлаш қаторини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Қашқадарё ҳавзаси бўйича тузилган картографик материаллар, берилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар Қашқадарё вилоятидаги геоэкологик ҳолатнинг барқарор ривожланишини аниқлашда, табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, геоэкологик вазиятлар динамикасини прогнозлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтлари ва уларнинг геоэкологик ҳолати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ландшафтларнинг антропоген трансформацияланиши ва янги модификацияларининг вужудга келишини дешифровкалашга доир илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 2 февралдаги 03-01 сонли маълумотномаси). Натижада, дешифровкалаш ёрдамида антропоген ландшафтларнинг модификацияланишини аниқлашни ландшафт-тизимли методини такомиллаштириш имконини берган;

антропоген ландшафтларни таснифлаш схемаси асосида аниқланган таксономик бирликлар қаторига доир олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 2 февралдаги 03-01 сонли маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтларни таснифлашнинг таксономик бирликлар қатори табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имкони оширган;

Қашқадарё ҳавзасининг геоэкологик ҳолатни баҳолашга доир 1:1000000 ва 1:200000 масштаблари карталари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 2 февралдаги 03-01 сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур карта вилоятнинг геоэкологик картасини яратиш имконини берган;

ҳавзада вужудга келган геоэкологик вазиятларни оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 2 февралдаги 03-01 сонли маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилояти ҳудуди геотизимларидаги экологик вазиятни барқарорлаштиришнинг устувор йўналишларини янада аниқлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Антропоген ландшафтларни тадқиқ-этишнинг илмий ва назарий асослари» деб номланган биринчи бобида антропоген ландшафт тушунчасининг вужудга келиши, жумладан ландшафт - инсон муносабатлари кучли акс этадиган, табиий ресурсларга эга бўлган ва қайта тикланадиган ҳамда генофонд сақланадиган табиий система, инсон ҳаёт кечирадиган ва фаолият юритадиган муҳит, табиий лаборатория ва эстетик идрок қилиш манбаи эканлиги, шунингдек, географиянинг ривожланишида ландшафт (геосистема, табиий ҳудудий комплекс, геокомплекс) концепцияси энг муҳим илмий-назарий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Бизнинг тасаввуримизда ва тадқиқотимизда ландшафт умумий

тушунча сифатида каралиб, у турли таксономик бирликдаги географик комплексларнинг синонимидир. Ландшафтни умумий тушунча нуқтаи назардан талқин этиш С.С.Неуструев, Ф.Н.Мильков илмий ишларида эътироф этилган ва ривожлантирган. Ф.Н.Мильковнинг таъкидлашича рельеф, иклим, тупроқ, ўсимлик қандай умумий тушунчага эга бўлса, ландшафт ҳам худди шундай умумий тушунча ҳисобланади. Умумий тушунча тарафдорларининг фикрича ландшафт тушунчаси ҳам барча турдаги ва катталиқдаги географик объектларга тадбиқ этилаверади.

Табиатда антропоген ландшафтлар мавжудлигини, уларнинг турли-туманлигини ландшафтшунос олимлар бирданига эмас, балки аста-секинлик билан тан ола бошлашган. “Антропоген ландшафт” термини россиялик географлар А.Д.Гожев ва Б.Н.Городков томонидан таклиф қилинган. А.Д.Гожев 1930-йилда биринчи бор антропоген ландшафтни табиий комплекс сифатида ажратган (Назаров, 2012). Антропоген ландшафт концепцияси россиялик машҳур географ-олим Ф.Н.Мильков томонидан асосланди ва унинг илмий мактаби намоёндалари томонидан ривожлантирилди.

Ю.Г.Саушкин (1946) «маданий ландшафтларни ўрганиш учун географиянинг алоҳида бир тармоғи бўлиши керак» деган ғояни илгари суради. У «маданий ландшафт деб табиий муҳитнинг узвий элементлари инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли ўзгартирилган ландшафтни тушунмоқ лозим» деган ғояни илгари суради. Бу ғоя антропоген ландшафтшуносликнинг вужудга келиши шу даврнинг талаби эканлигини билдирса, А.М.Рябчиков (1972) ландшафт сферасида тарихан таркиб топган ландшафтларнинг барчаси инсон таъсирида муайян даражада ўзгарганлигини эътироф этиб, ҳозирги ландшафтлар антропоген ландшафтларнинг маълум даражада ўзгартирилган табиий ландшафтлар билан ҳудудий бирикмасидан иборат деб таъкидлайди.

Ф.Н.Мильковнинг (1970) “Ландшафтная сфера Земли” номли китобида “инсон томонидан ўзгартирилган ва барпо этилган комплексларни ўрганиш билан антропоген ландшафтшунослик шуғулланиши керак”, деб таъкидлаб ўтганидан сўнг ландшафтшунослик таркибида янги бир илмий йўналиш - антропоген ландшафтшунослик шакллана бошлади. Инсон фаолияти туфайли ўзгартирилган географик комплексларни антропоген ландшафт деб атаймиз. С.В.Калесник (1970), А.Г.Исаченколар фикрига кўра ландшафтнинг тўлиқ ўзгариши учун унинг геологик асоси, яъни фундаменти ҳам ўзгариши керак деб таъкидлайди, лекин биз бу фикрга қўшилмаймиз.

Ўтган даврлар мобайнида антропоген ландшафтларни тадқиқ этишга, уларни баҳолаш ва карталаштириш масалаларига бағишланган кўплаб илмий ишлар бажарилди. Буларга В.И.Федотов (1985) Ўрта рус баландлиги ўрмондашт зонасида вужудга келган техноген ландшафтларни, Г.И.Гришанков (1972) Тоғли Қримдаги, Н.А.Гвоздецкий (1977) ва А.Е.Федина (1977) лар Кавказ ўлкасидаги антропоген ландшафтларни тадқиқ этишади ва карталаштириш ишларини амалга оширишади. Ўрта Осиё, хусусан мамлакатимиз ҳудудидаги антропоген ландшафтларни ўрганишни

А.А.Абдулқосимов бошлаб берди ва ўзига хос илмий мактабга асос солди. Ўзбекистоннинг антропоген ландшафтларини ўрганишда А.А.Абдулқосимов (1966, 1972, 1983, 2013), Б.В.Виноградов (1977), Х.Ваҳобов (1998, 1999), А.А.Абдулқосимов, Ю.Абдурахмонова (1998, 2001, 2002), А.Абдулқосимов, Қ.Ярашев (2014), А.Абдулқосимов, Ю.Абдурахмонова, К.Давронов (2017), А.Абдулқосимов, М.Назаровларнинг (2012) Ўзбекистон худудлари мисолида олиб борган тадқиқот ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, антропоген ландшафтларни ўрганишда А.А.Рафиқов, А.Мақсудов, Ш.С.Зокиров, С.Б.Аббосов, С.И.Абдуллаев, К.М.Боймирзаев, Р.Ў.Ҳолиқов, И.Х.Жанқобилов, Ш.Дусанова, М.С.Шамуратов ва бошқа тадқиқотчиларнинг хизматлари катта бўлди.

А.А.Абдулқосимов (2004) нинг таъриф беришича, антропоген ландшафт Ер ландшафт сферасининг кучли ўзгарган ва ўзгартирилган қисми бўлиб, инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли шаклланган. Айрим манбаларда антропоген ландшафт тушунчасининг синоними сифатида “маданий ландшафт”, “ўзгартирилган ландшафт”, “техноген ландшафт”, “антропоген геосистема”, “бунёдкорлик геосистемалари” каби терминлар ҳам қўлланилади.

Таҳлил ва синтезларга асосланиб, табиатда макон ва замонда антропоген ландшафтлар мавжуд деб эътироф этилади ҳамда антропоген ландшафт деб, дастлабки табиий хусусиятлари инсон таъсири натижасида тубдан ўзгартирилган, келиб чиқиши нуқтаи назаридан хилма хил бўлган, сунъий омиллар таъсирида антропоген модификацияланган ҳамда ўзнинг мустақил генетик қаторига эга бўлган географик комплексларни тушунамиз. Уларга агроландшафтлар, саноат-техноген ландшафтлар, йўл-коммуникацион, ирригацион, туристик-рекреацион геотехносистемалар, селитеб, мадфун ва сакрал ландшафтлар мисол бўлади. Антропоген ландшафт тўғрисидаги таърифдан шуни кўриш мумкинки, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ҳозирги даврда муайян худуд табиатидан фойдаланиш жараёнида вужудга келган антропоген ландшафтларнинг мавжудлигини кўпчилик олимлар эътироф этишади. Аммо, антропоген ландшафтларнинг терминологик тизимга солиш ва таснифлашга доир масалаларда ханузгача яқдиллик йўқ.

Антропоген ландшафтлар ҳамма географик зоналарда, тоғли ўлкаларда учрайди ва улар турли хил зоналарда вужудга келади. Ҳар бир зона ўзининг антропоген ландшафтлар спектрига эга. Масалан, арид зона учун воҳали-шаҳар, воҳали-қишлоқ, воҳали-қишлоқ хўжалиги, ирригацион, воҳали кучли намланган, баҳорикор қишлоқ хўжалиги каби антропоген ландшафтлар характерлидир.

Ҳозирги ландшафтларни антропоген омиллар таъсирида ўзгариши (антропоген модификацияланиш) даражасига кўра тасниф қилиш мақсадида мавжуд масалага доир адабиётлар (А.Г.Исаченко, А.М.Рябчиков, Ф.Н.Мильков, А.А.Абдулқосимов, С.И.Абдуллаев ва бошқалар) билан танишув ва таҳлил қилиш асосида ҳозирги ландшафтларнинг 4 та асосий гуруҳи: 1) табиий (бирламчи) ландшафтлар, 2) табиий-антропоген

ландшафтлар, 3) қайта табиийлашган (ренатурлашган) ландшафтлар ва 4) антропоген ландшафтларга ажратиш мумкин.

Антропоген ландшафтшунослик нисбатан янги илмий йўналиш бўлганлиги сабабли унда ҳанузгача ечимини топмаган муаммоли ва мунозарали масалалар жуда кўп. Шулардан бири қайси ландшафт қай даражада антропогенлашган ва уларни антропоген ландшафтлар деб аташ мумкинми ёки йўқ, табиий ландшафт қачон антропоген ландшафтга айланади, табиий ландшафтларни антропоген ландшафтларга айлантирилиши учун компонентлар қай даражада ўзгартирилиши лозим бўлади каби саволлардир. Антропоген ландшафтлар табиий ландшафтлардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Антропоген ландшафтлар учун биологик айланма ҳаракат, сув-иссиқлик баланси, тупроқ жараёнлари, жонли организмларнинг сони ва турлар таркибининг қайта тузилиши хосдир. Антропоген ландшафтларнинг ўзгариши туб табиий ландшафтларнинг ўз-ўзидан ривожланишига нисбатан анча тезроқ содир бўлади. Антропоген ландшафтларнинг бу хусусияти улардан фойдаланиш жараёнида бир томондан нохуш ўзгаришларга жиддий эътибор беришни, бошқа томондан эса қисқа вақт давомида (бир авлод ҳаёти давомида) ландшафтларни тартибга солиб туриш ва қайта тузиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Антропоген ландшафтларни структурасини аниқлаш, таснифлаш принциплари ва таксономик бирликлар қаторини ишлаб чиқиш ва уларни чегаралаш, ички ва ташқи алоқадорликларни, модда ва энергия алмашилини қонуниятларини, шу жумладан ўзаро таъсир этиш, яъни интеграция механизминини аниқлаш, динамик хусусиятларини таҳлил қилиш, ландшафтлар ўзгаришини ҳамда янги шакллариини вужудга келтирувчи инсон фаолиятининг қандай турлари антропоген ландшафтларни шаклланишида муҳим эканлигини баҳолаш ва прогнозлашнинг турли методларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд методларни такомиллаштириш, шунингдек, уларни тадқиқ этишда замонавий, аэрокосмик ва инновацион методларни қўллаш бугунги куннинг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Антропоген ландшафтларни тадқиқ қилишда тизим (система)ли тамойил энг асосийлардан ҳисобланади. Ландшафт А.Г.Исаченко (1991) таърифича: маҳаллий кўламдаги геотизимларнинг ўзига хос йиғиндисидан иборат бўлиб, ўзининг зонал ва азонал белгилари бўйича бир бутун ҳамда генетик жиҳатдан яхлит геотизимлардир.

Ҳозирги босқичдаги асосий ёндашувлардан бири бу антропоген ландшафтларни тадқиқ қилишнинг геоэкологик усулдир. И.П.Герасимов ва бошқалар (1987) географияда геоэкологик усулнинг аҳамияти ва муҳимлигини эътироф этганлар. Геоэкологик усул – табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида бир вақтда ҳамда атроф муҳит муҳофазасининг назарияси ишланаётган ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқиляётганда муҳим ҳисобланади.

Табиийки, антропоген ландшафтлар маълум даражада мураккаблиги ва хилма-хиллиги билан характерланади. Улардаги мураккаблик энг аввало

улардаги турли объектларнинг ўзаро таъсири, турли даражадаги динамикага эга эканлиги, барқарорлик, эластиклик, ўз ҳатти-ҳаракатларининг хилма-хиллиги ва ноаниқлиги билан белгиланади. Шунга қарамай антропоген ландшафтлар жамият қонунлари билан эмас, балки табиат қонунлари асосида ривожланади. Шу туфайли табиий ландшафтларни ўрганувчи усул (метод)лар – экспедиция, аэрокосмик, ландшафт – индикация, картографик ва бошқалар антропоген ландшафтларни ўрганишда тўлиқ қўлланилиши мумкин. Антропоген ландшафтларни тадқиқ қилиш мақсадида: картографик, палеогеографик, табиий аналоглар, дистанцион, ландшафт-индикация, ландшафт-геокимё, дала тадқиқот усулларидадан фойдаланиш кутилган самараларни бериши аниқ.

Антропоген ландшафтлар бошқа ландшафтлардан фақат географик хусусиятлари билан эмас, балки ички структурасининг мураккаблиги, структурали-динамик ривожланиши билан ҳам фарқ қилади. Антропоген ландшафтларни таснифлашда ҳар томонлама пухта ўйланган таксономик бирликлар системасини ишлаб чиқиш, турли муддатлар учун антропоген ландшафт прогнозлаштиришни амалга ошириш, уларнинг геоэкологик ҳолатини ўрганиш, вужудга келган геоэкологик ҳолатларни яхшилашга доир чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тадқиқот ишимизнинг олдида турган муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаш лозим.

Бу борада Қашқадарё хавзасида узоқ тарихий даврлар мобайнида шаклланган антропоген ландшафтлар ва уларнинг таркибий қисмини ташкил этувчи воҳа ландшафтлари турига мансуб бўлган агроландшафтлар комплекс географик тадқиқот ишларини олиб бориш учун асосий объект бўлиб хизмат қилади. Антропоген ландшафтда табиий ва социал-иқтисодий геосистемалар очиқ системани ҳосил қилади, бу системада асосий функциялар инсон томонидан назорат қилинади. Шу сабабга кўра, бу системанинг мақсадлари жамиятнинг эътиборига боғлиқ ҳолда ҳар хил. Ландшафтларни бошқаришда инсоннинг соғлом ривожланиши учун шароитларни сақлаб қолган ҳолда кишилиқ жамиятининг оптимал эҳтиёжларини қондиришни, яъни табиий геосистемаларнинг тўғри фаолият кўрсатишини таъминлаш муҳим.

Ҳозирда табиий мажмуаларнинг барқарорлиги тадқиқотлари муаммоларига бағишланган ишларнинг кўплари асосан назарий - услубий характерда. , “Ландшафт барқарорлиги” тушунчасининг табиий географияда ягона талқини йўқ. Бу борада А.А.Крауклис (1979), А.И.Исаченко (1979,1980), В.С.Преображенский (1983), З.В.Дашкевич (1984), Т.В.Звонкова (1987), Д.Л.Арманд (1989), Т.Д.Александрова (1989) ва бошқа олимларнинг ишларида кўрсатилган. Ҳозиргача ландшафт барқарорлиги нуқтаи назаридан унинг фақат алоҳида компонентларигина тадқиқ қилинган бўлиб, барқарорликнинг умумий кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган. Барқарорликни уч таркибий муносабатлари орқали – меъерий фаолият, бузилишдан кейинги тикланиш ва қайтарилмас ўзгариш ҳолати ҳисобга олинади. Биз Т.Д.Александрова ва бошқалар (1989) таъкидлаганларидек, ҳаттоки ташқи

(табiiй ва антропоген) ўзаро таъсирда ҳам тузилмасининг сақланишига қодир бўлганларини табiiй ландшафтларнинг барқарорлиги деб тушунамиз.

Қашқадарё ҳавзасининг чўл минтақасидаги геотизимлар антропоген таъсирга муносабатига кўра асосан барқарор ва беқарорлиги билан тавсифланади, бу ўз ўрнида инсон хўжалик фаолиятлари таъсири оқибатида чўл ландшафтларининг тез ўзгарувчанлиги билан изоҳланади. Бирок, табiiй мажмуаларнинг тузилмавий ҳолати, уларнинг ўзгариш тенденцияси ва тадрижий ўзгариши, ландшафтларнинг морфологик тузилмаси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа омиллар эътиборда бўлмоғи лозим. Қашқадарёнинг қуйи террасалари ва дарё дельталарининг юқори қисмларидаги антропоген ландшафтлари тупроқлари ландшафт шароитлари характери маълум даражада шўрланиш бўйича барқарорликка эга.

Ландшафт динамикасини ўрганиш табiiй географиянинг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Ландшафтларни ташкил этувчи геотизимларда доимо узлуксиз ҳаракат рўй беради: геотизимларнинг фаолияти жараёнида (мавсумлар ва йилдан-йилга бўладиган ўзгарувчи) ёки қандайдир бошқа таъсир этувчи омиллар (сув тошқинлари ва бошқалар).

С.В.Калесник (1966) ландшафтлар динамикасини ландшафтнинг тузилмавий хусусиятининг фаслий ритмикаси деб таърифлайди. Аммо унинг структурасини ташкил этувчи морфологик бирликларнинг ривожланиш суръатлари бир-биридан фарқ қилади. Ландшафт динамикаси ва ривожланишига инсоннинг хўжалик фаолиятлари кучли таъсир этади. Аммо, инсоният унинг ҳолатини енгиллатиши ёки кучайтира олсада, ритмик ўзгаришини белгилаб бера олмайди ёки барпо қилолмайди. Бирок, геотизимлар ҳолатига ташқи таъсирнинг жадаллиги оқибатида инсон учун ўзгача номақбул ўзгаришлар тенденцияси келиб чиқиши мумкин.

Қашқадарё ҳавзаси ландшафтларнинг мавсумий динамикаси аввало грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши билан биргаликда рўй беради. Ёз мавсумида грунт сувлари сатҳининг юқорилиги вегетация даври давомида апрелдан августгача, баъзан сентябргача (Қашқадарёнинг қуйи қисмида грунт сувлари сатҳи ҳам ўзгариб боради) сақланади. Қашқадарё ҳавзаси агроландшафтларининг барқарорлиги паст бўлиши туфайли улардан самарали фойдаланиш учун мунтазам равишда бошқарилиб турилиши лозим.

Диссертациянинг «**Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтларнинг бир бутун парагенетик тизим сифатида ўрганилиши**» деб номланган иккинчи бобида ҳудуд табiiй шароитининг ландшафт шаклланишидаги роли ва ландшафтларни таснифлаш масаласи ёритилган ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Тоғлик ва текисликлар ҳудудларининг мавжудлиги ландшафт структураси таркибида тафовутларни вужудга келтиради, бу ҳолат ландшафтлар структураси таркибида тоғ ва текислик синфларини ажратиш имконини беради. Тоғ ландшафтлари ички тафовутларига кўра кичик синфларга ажратилади 1-жадвал).

Тоғ ландшафтлари синфи доирасида қуйидаги кичик синфлар: 1) баланд

тоғ ландшафтлари; 2) ўртача баландликдаги тоғ ландшафтлари; 3) адирлар ва паст тоғ ландшафтлари. Текислик қисми ландшафти синфи структурасида қуйидаги кичик синф ажратилади: 1) баланд текислик ландшафтлари; 2) адир ва қолдиқ тоғ ландшафтлари.

1-жадвал

Қашқадарё вилоят ландшафтларнинг баландлик табақаланиши

Баландлик минтақаси	Ер майдони, минг га	майдонига нисбатан % да
Чўл –текислик	1567	54,8
Адир-пастак тоғлар	675	23,6
Ўртача баланд тоғлар	546	19,2
Баланд тоғлар	69	2,4
Жами	2857	100,0

*Абдуллаев С. И., Усмонов И.У. (1981) маълумоти бўйича

Ландшафт турларини ажратишда уларнинг тузулмаавий – петрографик хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ҳар бирининг рельеф хусусиятлари, шунингдек иқлим ва ўсимлик, тупроқ қоплами узвий боғлиқликда таърифланди. Тоғ ва текисликнинг қўшалок “геокомплекс”, яъни геопара тушунчаси Л.А.Алибеков (1982, 2016) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг фикрича геопара тоғ ва текисликларнинг ҳудудий йиғиндисидан иборат ҳамда унга қарама-қарши табиий ҳудудий комплекслар бевосита ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирнинг мавжудлиги билан бир бутун тизим сифатида ривожланади ва шаклланади.


Қашқадарё ҳавзасининг ландшафтлари қадимдан инсоннинг хўжалик фаолиятида фойдаланилган. Шу сабабли ҳавзасининг катта қисмида, айниқса, унинг текисликларида ландшафтлар турли даражада ўзгаришларни бошдан кечирган ва уларни таснифлашда ҳамда тавсифлашда инсон таъсирида юз берган ўзгаришларни, яъни антропоген омилларнинг ролини ҳам албатта эътиборга олиш керак. Айниқса, ландшафт тури катталигидаги, ландшафтларни тавсифлашда ва баҳолашда уларнинг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши назардан четда қолмаслиги зарур.

Қашқадарё ҳавзаси ландшафтлари кейинги даврлар ичида С.А.Нишонов (1961-1986), О.Ю.Пославский (1963, 1966), Н.А.Когай, Л.Н.Бабушкин (1965), А.Маматов (1968), С.И.Абдуллаев (1974,1980), И.Усмонов (1980), Н.А.Когай (1982), Л.А.Алибеков (1982), Б.Г.Азимов, И.Жанкобилов(1991,1999), Б.Худойбердиев (1993) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Жумладан, аэрокосмик усулда ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган тадқиқотчиларга Э.А.Агболянс (1980), Р.М.Давлятова Б.Г.Азимов (1990), Б.Г.Азимов, И.Жанкобилов (1991, 1993) ва бошқалар киради.

Қашқадарё ҳавзасида ландшафт ҳосил қилувчи омиллар ва шу ландшафт ҳудудларида аҳолининг жойлашуви, аҳолининг кўпайиши ёки такрор барпо бўлиши босқичлари ва ландшафтларнинг ҳудудий табақалашув хусусиятларини ўрганиш, бу ҳудудда тарқалган ландшафтларни типологик

жихатдан таснифлаш имконини беради (1-расм). Қашқадарё ҳавзасида бири-бири билан ўзаро боғлиқ ҳамда ўзаро таъсирда бўладиган тоғ ва текислик ландшафтлари ҳамда аҳолининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши йирик парагенетик ва парадинамик алоқадорликдаги геомажмуани ҳосил қилади.

Антропоген ландшафтларни таснифлаш ва карталаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг таҳлилига асосан глобал, ўлка ва йирик регионлар мисолида бажарилган бўлиб, кичик ҳудудлар, жумладан Қашқадарё ҳавзасида антропоген ландшафтларни тадқиқ этиш, таснифлаш ва карталаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Биз юқорида амалга оширилган тажрибаларга асосланиб Қашқадарё ҳавзасида антропоген ландшафтларни мазмунига кўра қуйидаги синфларга: табиий, табиий-антропоген ва антропоген ландшафтларга ажратдик. Қашқадарё ҳавзаси ландшафтларини таксономик бирликлар системаси 3 поғонадан иборат: синф-кичик синф-тур. Антропоген ландшафтларнинг синфлари ва кичик синфларини ажратишда экинзор ерлар тузилмасининг микдорий кўрсаткичларидан фойдаланишга асосландик.



1-расм. Қашқадарё ҳавзасини ландшафт карта-схемаси

Карта-схема легендаси: I. Баланд тоғ ландшафтлари денгиз сатҳидан баландлиги 3000 м дан ортиқ бўлган ҳавзанинг шарқий қисмини эгаллаган Оқсув Танхоз ва Яккабоғ дарёлари сув олувчи Ҳисорнинг баланд тоғлари киритилди: 1-Баланд тоғ оч кўнғир ўтлоқ дашт тупроқли альп ва субальп ўтлоқли даштлар; 2-Баланд тоғ тектоник эрозион ва денудацион, чуқур ва кучли парчаланган рельеф шакллари. II. Ўртача баланд тоғ ландшафтларига денгиз сатҳидан баландлиги 2000 м дан ортиқ бўлган ҳудуднинг шарқий ва жануби-шарқий ҳамда шимолий қисмлари тоғ ёнбағирлари киритилди: 3-Тоғ ёнбағирларида маданийлаштирилган тўқ тусли бў тупроқли баҳорикор агроландшафтлар. III. Ўртача баланд тоғ ва адирларнинг кучсиз ўзгартирилган ландшафтлари денгиз сатҳидан баландлиги 700 м дан 2000 м гача бўлган шарқий ва жанубий шарқий қисмидаги Деҳқонобод, Кухитанг ва Қоратепа тоғлари киритилди: 4-Тоғолди текисликлардаги агроландшафтлар; 5-Адирлардаги баҳорикор агроландшафтлар. IV. Адир ландшафтлари денгиз сатҳидан баландлиги 400 м дан 700 м гача бўлган ҳудуднинг шарқий ва жанубий-шарқий қисмларини эгаллаган ерлар киритилди, шунингдек, ҳудудда воҳа ландшафтлари ҳам шаклланган: 6-Суғорма деҳқончилик қилинадиган, шаҳар ва кишлок селитебли, типик бўз тупроқли агроландшафтлар; 7-Суғориладиган типик бўз тупроқлардаги агроландшафтлар. V. Чўл ландшафтлар денгиз сатҳидан баландлиги 300 м дан кам бўлган ҳудуднинг шимоли-ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларнинг эгаллаган Сандикли ва Қарноб чўллари кумли массивлари киритилди: 8-Чўл бўз тупроқли яйлов ландшафтлари; 9-

Эфемер ва эфемероидлардан иборат кумли чўл ландшафтлар; 10-Эол-кумли чўл ландшафтлари; 11-Ўсимлик билан мустаҳкамланган эол-кумли яйлов ландшафтлари; 12-Тақир ва тақир-шўрхок тупроқли гипсли чўл ландшафтлари; 13-Тақир тупроқли гипсли шўрхок ландшафтлар; 14-Шўра, бурган ва шувок билан копланган шўрхок ландшафтлар.


Таснифларга асосланган ҳолда Қашқадарё ҳавзасида антропоген ландшафтларнинг синф ва кичик синф бирликлари қуйидаги кўринишга эга бўлди: 1. Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган агроландшафтлар синфи: а) суғориладиган агроландшафтлар, яъни агроирригацион ландшафтлар кичик синфи; б) баҳрикор агроландшафтлар кичик синфи; в) мевали боғлар ва токзорлар; 2. Воҳа-селитеб ландшафтлар синфи: а) қишлоқ селитеб ландшафтлари кичик синфи; б) шаҳар селитеб ландшафтлари кичик синфи; 3. Антропоген сув ландшафти синфи: а) сув омбори; в) ховуз; в) суғориш тизимлари; 4. Рекреацион ландшафтлар синфи: а) соғломлаштириш ва дам олиш, б) тоғ-ўрмон боғи, в) буюртмахоналар г) муҳофаза қилинадиган ҳудудлар; 5. Чўл, чалачўл ва антропоген яйлов ландшафтлари синфи: а) тоғолди ясси текисликлардаги чалачўл антропоген-яйлов, б) кумли чўл антропоген-яйлов, в) лёссли чўл антропоген-яйлов. 6. Чизикли йўл ландшафтлари синфи: а) автомагистрал, б) темир йўл в) дала-йўл; 7. Саноат-техноген ландшафтлар синфи: а) Кон-саноати кичик ландшафт синфи. б) Техноген ландшафтлар кичик синфи; 8. Кўмилиб қолган ёки мадфун ландшафтлар синфи. а) кўмилиб қолган қадимий қишлоқ селитеб ландшафтлар, б) кўмилиб қолган қадимий шаҳар селитеб ландшафтлар; в) қадимий суғориладиган агроландшафтлар; 9. Сакрал ландшафтлар синфи.

Диссертациянинг «**Қашқадарё ҳавза антропоген ландшафтларидаги геоэкологик вазиятлар ва уларни оптималлаштириш**» деб номланган учинчи бобида ландшафтларнинг хилма-хил экологик функцияларини ресурсли, муҳитни қайта тиклаш, табиатни муҳофазаловчи, рекреацион вазифалар тоифаларига бирлаштириш билан бирга ҳудуд ландшафтлари геоэкологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафт мажмуалари доирасида ва уни ташкил этувчи агроландшафтлар, саноат-техноген, рекреация, аквал ландшафтлар, эол кум ва шўрхок чўл ва бошқа ландшафт мажмуаларини ифлослантирувчи манбалар таъсирида турли даражадаги геоэкологик вазиятлар вужудга келган. Олиб борилган тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики Қашқадарё ҳавзасида барча таксономик бирликлардаги табиий ва антропоген ландшафтларга таъсир этувчи ва уларни турли хил чиқиндилар, захарли кимёвий бирикмалар, ўткир ҳидли ис газлари, турли минераллар билан ифлослантирувчи асосий манбалар қуйидагилардан иборат: 1) саноат, қурилиш маиший-хизмат корхоналари фаолиятдан чиқадиган турли чиқиндилар; 2) шаҳарлар ва йирик қишлоқларнинг теварак-атрофга, жумладан атмосфера ҳавосига чиқараётган чиқиндилари; 3) агроландшафтларда ишлатиладиган кимёвий бирикмалар; 4) автотранспорт воситаларидан чиқадиган турли хил газлар; 5) атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи маҳаллий шамоллар; 6) агроландшафтларни суғоришдан ҳосил

бўладиган зовур сувлари; 7) фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш орқали атроф муҳитга келтириладиган турли зарарлар.

Экологик вазиятни баҳолашда асосий кўрсаткичлар воҳалар учун сувнинг сифати ва тупроқ шўрланиши, яйловлар учун эса ўсимликлар ҳосилдорлиги олинди. Геотизимларда экологик вазиятни баҳолашда ўсимлик ва ҳайвон турларининг камайиши ёки ўзгаришларни инобатга олмадик, чунки, улар инобатга олинса воҳа геотизимлари “хавфли” ёки “ҳалокатли” поғоналарга тушиб кетади. Шунингдек, геотизимларда экологик вазиятни баҳолашда атмосфера ҳавосининг ифлосланишини мезон сифатида қўша олмаймиз, сабаби ҳавонинг ифлосланиши фақат шаҳарларнинг экологик кўрсаткичларини баҳолаганда инобатга олинган (2-расм).



2-расм. Қашқадарё ҳавзаси ва унга туташ ҳудудларнинг геоэкологик карта-схемаси (картанинг оригинал масштаби 1:200000)

Экологик вазиятни баҳолашда ҳавза табиий мажмуаларининг ўзгарганлик даражасига қараб турли хил гипсометрик баландликдаги ландшафтлар ажратиб олинди. Ҳавза табиати ўзининг баландлик минтақаланиш характерига кўра олти пағонали босқичга ажратилди: 1) деярли ўзгармаган баланд тоғ ландшафтларига 3000 м дан ортиқ бўлган ҳавзанинг шарқий қисмини эгаллаган Оқсув, Танхоз ва Яккабоғдарёлар сув олувчи Ҳисорнинг баланд тоғ тизмалари киритилди; 2) кам ўзгартирилган ўртача баланд тоғ ландшафтларига 2000 м дан 3000 м гача бўлган вилоятнинг шарқий ва жануби-шарқий ҳамда шимолий қисмларини қисмини эгаллаган Лангар, Катта Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё ҳамда Торқопчиғой дарёлари, шунингдек Қумдарёнинг ирмоқлари сув олувчи Қоратепа ва Чақилкалон тизмалари ҳамда Ҳисорнинг ўртача баландликдаги тизмалари киритилди; 3) ўртача баланд тоғ ва адирларнинг кучсиз ўзгартирилган ландшафтларига 700 м дан 2000 м гача бўлган ҳудуднинг шарқий ва жануби-шарқий қисмидаги Дехқонобод, Кўҳитанг, Қортепа тизмалари киритилди; 4)

тоғолди қия текисликларининг ўзгартирилган ландшафтларига 400 дан 700 м гача бўлган ҳудуднинг шарқий ва жануби-шарқий қисмларни эгаллаган тоғолди қия текисликлари киритилди; 5) ўзгартирилган тўлқинсимон текислик ландшафтларига 300 дан 400 м гача бўлган ҳудуднинг шимолий ва жанубий қисмларни эгаллаган тўлқинсимон текисликлар киритилди; 6) ўзгарган чўл ландшафтларига 300 м дан паст бўлган ҳудуднинг шимоли-ғарбий ва жануби ғарбий қисмларни эгаллаган Сандикли ва Қарноб чўлларининг кумли майдонлар киритилди; 7) Суғорма деҳқончилик асосида кучли ўзгартирилган воҳа ландшафтлари.

Ишда Қашқадарё ҳавзаси геотизимларини геоэкологик ҳолатини оптималлаштириш учун табиий муҳитнинг ички ҳамда ташқи алоқадорлигини эътиборга олиб илмий асосланган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Экологик вазиятни вужудга келтирувчи ва кескинлаштирувчи механизмларни ҳар томонлама таҳлил этиб илмий жиҳатдан асосланган оптималлаштириш тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш зарур. Қашқадарё ҳавзаси ландшафт мажмуаларида вужудга келган экологик вазиятни соғломлаштириш ва атроф-муҳитни геоэкологик ҳолатини оптималлаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз: 1) аҳоли ўртасида турли касалликларни, жумладан ичимлик суви билан боғлиқ касалликларни тарқалишини олидини олиш мақсадида аҳолини тоза ичимлик суви билан тўлиқ ва мунтазам таъминлаш; 2) ички сувларнинг ифлосланишини олдини олиш; 3) аҳоли ва чорвани тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; 4) геотизимлар билан боғлиқ бўлган геоэкологик муаммоларнинг ривожланишини олдини олиш; 5) маданий ландшафтлардан фойдаланишда ташкилий хўжалик, агротехник, гидромелиоратив тадбирларни ўз вақтида, узлуксиз амалга ошириш; 6) геоэкологик мониторинг ва тадқиқот ишларини доимий олиб бориш; 7) геотизимлардан фойдаланишда табиатнинг бир бутун яхлит ҳосила эканлигини доимо эътиборга олиш; 8) ландшафт ва унинг компонентларини ўзини-ўзи тиклаш ҳамда бошқариш қонуниятларини бузмаслик ва ҳ.к.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Қашқадарё ҳавзаси табиий ва антропоген ландшафтларида турли даражаларда вужудга келган ҳамда содир бўлаётган геоэкологик вазиятларнинг олдини олиш, соғломлаштириш, оптималлаштиришда табиий шароит, орографик тузилиш ҳамда рельеф хусусиятларини ҳисобга олиш, қишлоқ хўжалигида алмашлаб экишга риоя этиш, ҳосилдорликни ошириш учун асосан биологик ва органик воситалардан фойдаланиш, маҳаллий табиий шароитга мос, иқлимлаштирилган экин турларини танлаб экиш кабиларга риоя этиш зарур.

ХУЛОСА

Қашқадарё ҳавзаси антропоген ландшафтларини тадқиқ этиш, геоэкологик ҳолатини яхшилаш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қашқадарё ҳавзасининг ҳозирги ландшафтларининг вужудга келишида ва ривожланишида инсон хўжалик фаолиятининг таъсири жуда катта бўлиб, улар антропоген ландшафтларни турли синфлари, кичик синфлари ва турларининг пайдо бўлишини аниқлашга имкон берди.

2. Ҳавзадаги антропоген геотизимларни вужудга келиши ҳамда ривожланиши аввало гидрографик тўр, тектоген ва гидродинамик омиллар билан узвий боғлиқлигини илмий жиҳатдан асослашга имкон берди.

3. Ҳавза антропоген ландшафтларининг ўзига хослиги асосида Қашқадарё ҳавзаси ландшафтларининг 3 поғонали таксономик бирликлар: синф-кичик синф-тур системаси ишлаб чиқилди ва антропоген ландшафтларни таснифлаш тизимини такомиллаштиришга имкон берди.

4. Тадқиқот объектидаги геоэкологик вазиятлар табиий ва антропоген геотизимларда бир хил эмаслиги, яъни асимметрик характерга эга эканлигини аниқлашга имоният яратди.

5. Ҳавзада геоэкологик муаммоларни мураккаблаштирувчи агроландшафтларнинг тупроқлари иккиламчи шўрланишга ва дефляцияга мойиллиги аниқлаш имкон берди.

6. Вужудга келган геоэкологик вазият инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг келиб чиқишига ва кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бу жараён ҳавзанинг шимоли-шарқидан жануби-ғарби томон кучайиб бориши аниқланди.

7. Ҳавза ҳудудида табиий географик шароит ва геоэкологик вазиятнинг ўзгариб бориши геотизимларда ички тафовутларни келтириб чиқаришини аниқлашга имкон берди.

8. Ҳавза ландшафтларида геоэкологик вазиятларини вужудга келтирувчи манбалар таъсирини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш ҳамда яхшилаш юзасидан илмий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАЗАРОВ МАКСУДЖАН ГЕЛДИЯРОВИЧ

**АНТРОПОГЕННЫЕ ЛАНДШАФТЫ КАШКАДАРЬИНСКОГО
БАССЕЙНА И ИХ ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам**

Самарканд – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Gr91.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyounet.uz) информационно-образовательного портала "ZiyoNET".

Научный руководитель: Абдулкасимов Али
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: Уразбаев Абдукарим Кендербаевич
доктор географических наук

Баймирзаев Каримджан Мирзамахмудович
кандидат географических наук, доцент


Ведущая организация: Наманганский государственный университет


Защита диссертации состоится 19 августа 2020 г. в 10:00 часов на заседании ученого совета DSc.03/30.2019.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Главный корпус, аудитория 105, Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре в Самаркандском государственном университете (зарегистрирована за номером 47). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан « 5 » 08 2020 года
(протокол реестра № 7 от « 5 » 08 2020 года).




С.Б.Аббасов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н.


Б.А.Мелиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
PhD по географическим наукам


А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.г.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире усиливаются глобальные экологические проблемы, в этой связи, определение устойчивого развития и изменения геосистем, связанных с непрерывным ростом населения и связанного с этим антропогенного воздействия на ландшафты, выявление причин и последствий возникающих новых антропогенно-модифицированных ландшафтов, в результате изменений геосистем под влиянием человека, а также оценка и оптимизация экологической ситуации, возникшей в них, является актуальной проблемой.

Решению этих проблем международные организации уделяют большое внимание. Именно поэтому 15-я цель Программы ООН по устойчивому развитию до 2030 года –направлены на решение задачи, связанные «...с защитой и восстановлением экосистем, борьбой с опустыниванием, улучшением экологической ситуации».¹

Пустынные районы, где проживает одна пятая населения мира, в настоящее время обеспечивают треть мировых природных ресурсов, одну десятую мирового валового продукта, одну треть продукции животноводства и одну четверть туристического ресурса. Их использование, в большинстве случаев, без соблюдения общепринятых норм, приводит к резким изменениям в геосистемах и сокращению их ресурсов. Приоритетное значение отдается исследованиям по определению динамики антропогенных изменений природных ландшафтов, оценке геоэкологической ситуации в антропогенных геосистемах, разработке мер по оптимизации существующей геоэкологической ситуации и их реализации.

В области экологии и охраны окружающей среды в республике предпринимается ряд мер по рациональному использованию природно-ресурсного потенциала регионов на научной основе, предотвращению экологических проблем, выявлению изменений в геосистемах, в результате антропогенного воздействия, улучшению эколого-мелиоративного состояния орошаемых земель, обеспечению экологически безопасной среды обитания людей. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» определены важные задачи по «предотвращению экологических проблем, наносящих вред окружающей среде, здоровью населения и генофонду».² В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на оптимизацию геоэкологических аспектов путем изучения антропогенных ландшафтов Кашкадарьинского бассейна, где возникли сложные геоэкологические ситуации.

Данное диссертационное исследование, в определённой степени послужит реализации задач определённых в Законе Республики Узбекистан

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года¹ //www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru

